

2002 ҳадис / «АЛИФ» ҳарфи / 1497-ҳадис

* Ҳадиснинг маъноси: «Аллоҳим, Сеннинг номинг ила ожизликдан, дангасаликдан, бахилликдан, қарилликдан, қабр азобидан паноҳ тилайман. Аллоҳим, нафсимнинг тақвосини бергин ва уни поклагин ва Сен покловчиларнинг яхшисисан. Сен дўсти ва хожасисан. Аллоҳим, Сеннинг номинг ила фойда бермайдиган илмдан, қўрқмайдиган қалбдан, тўймайдиган нафсдан ва ижобат қилинмайдиган дуодан паноҳ тилайман.»

1. Зайд ибн Арқам розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳумма инний аъзу бика минал ʼажзи вал касали вал бухли вал ҳарами ва ʼазабил қобри, Аллоҳумма ати нафсий тақвоҳа ва заккиҳа анта хайру ман закаҳа анта валиййуҳо ва мавлаҳа, Аллоҳумма инний аъзу бика мин ʼилмин ла янфаҳу ва мин қолбин ла яхшаъу вамин нафсин ла ташбаъу ва мин даъватин ла юстажобу лаҳа», деб айтардилар.

(Маъноси: Аллоҳим, Сеннинг номинг ила ожизликдан, дангасаликдан, бахилликдан, қарилликдан, қабр азобидан паноҳ тилайман. Аллоҳим, нафсимнинг тақвосини бергин ва уни поклагин ва Сен покловчиларнинг яхшисисан. Сен дўсти ва хожасисан. Аллоҳим, Сеннинг номинг ила фойда бермайдиган илмдан, қўрқмайдиган қалбдан, тўймайдиган нафсдан ва ижобат қилинмайдиган дуодан паноҳ тилайман.)

Имом Муслим ривоятлари.

Манба: hadis.islom.uz



